2017 йил 25 январь, чоршанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 17 (13.350)

Баҳоси эркин нархда

## МИЛЛАТЛАРАРО ДЎСТЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК – ХАЛҚИМИЗ ТИНЧЛИГИ ВА ФАРОВОНЛИГИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИДИР

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ РЕСПУБЛИКА БАЙНАЛМИЛАЛ МАДАНИЯТ МАРКАЗИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 25 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН УЧРАШУВДАГИ НУТҚИ

Қадрли дўстлар!

Сизларни ва сизларнинг тимсолингизда кўп миллатли бутун Ўзбекистон халқини қутлуғ сана – Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 25 йиллиги билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Маълумки, бизнинг қадимий ва саховатли заминимизда кўп асрлар давомида турли миллат ва элат, маданият ва дин вакиллари тинч-тотув яшаб келган. Меҳмондўстлик, эзгулик, қалб саховати ва том маънодаги бағрикенглик бизнинг халқимизга доимо хос бўлган ва унинг менталитети асосини ташкил этади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда миллатлараро муносабатлар ривожида янги босқич бошланди. Бағрикенглик ва инсонпарварлик маданиятини ривожлантириш, миллатлараро ва фуқаролараро ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлаш, ёш авлодни шу асосда, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш Ўзбекистонда давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди. Буларнинг барчаси ҳаётда ўзининг тўлиқ ифодасини топди.

Юртимизда ҳукм сураётган дўстлик ва бирдамлик муҳити – тинчлик ва барқарорлик, амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлигини ошириш, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини янада юксалтиришнинг энг муҳим омилидир. Биз барчамиз мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг ана шу том маънодаги бебаҳо бойлигимизни асраб-авайлаш ва мустаҳкамлаш борасидаги хизматларини яхши биламиз ва юксак қадрлаймиз.

Бугун мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил ва иноқ яшамоқда. Улар умумий уйимиз – Ўзбекистонимиз равнақи йўлида бирлашиб, барча соҳа ва тармоқларда фидокорона меҳнат қилмоқда, ривожланган бозор иқтисодиёти ва кучли фуқаролик жамиятига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуришга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Бизнинг Конституциямиз ва қонунларимизда Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари миллати, тили ва динидан қатъи назар, тенг ҳуқуқ ва эркинликларга эга экани мустаҳкамлаб қўйилган. Уларга ўз миллий маданияти, анъана ва урф-одатларини сақлаш ҳамда ҳар томонлама ривожлантириш учун барча имкониятлар яратилган. Мамлакатимизда 16 та конфессияга мансуб диний ташкилотлар эркин фаолият юритмоқда. Давлат таълим муассасаларида ўқитиш 7 тилда олиб борилмоқда. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ўз кўрсатувларини 12 тилда намойиш этмоқда, ўндан ортиқ тилда газета ва журналлар нашр этилмоқда.

Мамлакатимизда этник ўзига хосликни ривожлантириш ва миллатлараро муносабатларни янада уйғунлаштиришда 137 та миллий маданий марказ етакчи роль ўйнамоқда. Улар ўзларининг ўзига хос маданияти, тили, халқ ҳунармандлигини ривожлантириб, турли маданиятларнинг бир-бирини ўзаро бойитишига, ҳар биримизда кўп миллатли ягона оила туйғусини мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Республика байналмилал маданият маркази уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб, амалий ва услубий ёрдам бераётгани алоҳида диққатга сазовордир.

Марказ мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ўтказилаётган ёрқин тадбирлари асосида маданий ва ижтимоий ҳаётимизни янада теран маъно-мазмун билан бойитмоқда, Ўзбекистонда яшаётган турли миллат ва элат вакиллари ўртасида дўстлик ва бағрикенглик муносабатларини мустаҳкамламоқда. МДҲ давлатлари ўртасида фақат Ўзбекистонда шундай тузилма ташкил этилгани эътиборга лойиқдир.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда миллатлараро муносабатлар соҳасида нодавлат ташкилотларнинг ноёб тизими шаклланганидан далолат беради. Ушбу ташкилотларнинг серқирра фаолияти мамлакатимизда тинч ва фаровон ҳаётни таъминлаш, муҳим маданий-маърифий вазифаларни ҳал этиш, шунингдек, хорижий давлатлар билан ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Ҳурматли учрашув иштирокчилари!

Барчангизга маълумки, ҳозирги вақтда дунёнинг турли минтақаларида миллатлараро ва динлараро кескинлик кучайиб бормоқда, миллатчилик, диний муросасизлик бош кўтармоқда. Бу иллатлар давлатни емириб, жамиятни парчалаб, радикал гуруҳ ва оқимлар учун мафкура базасига айланмоқда.

Ана шундай мураккаб вазиятда мамлакатимизда турли миллат ва динга мансуб инсонлар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш биз учун борган сари муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳеч шубҳасиз, бу бизнинг заминимизда тинчлик ва осойишталикнинг мустаҳкам кафолати, халқимиз бунёдкорлик салоҳиятини, унинг эртанги кунга бўлган ишончини оширишнинг асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу муносабат билан Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Ўзбекистон Бадиий академияси, "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси, Хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла", "Нуроний" жамғармалари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа кўплаб ташкилотлар, ўйлайманки, маданият ва маърифат, ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш соҳасидаги ишларни янада кучайтириши зарур. Бу бугун бизнинг барчамиз учун ҳаётий муҳим вазифадир.

Янада огоҳ ва сергак бўлиш, энг асосий бойлигимиз бўлган ва биз ҳақли равишда фахрланадиган кўп миллатли халқимизнинг бирдамлиги ва жипслигини кўз қорачиғидек асраш ҳамда янада мустаҳкамлаш Ўзбекистонни ўз Ватани, деб биладиган ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир.

Биз фақат шу йўл билан бугунги куннинг барча таҳдид ва хавф-хатарларига самарали қарши туришимиз, жамиятимизда турли бузғунчи ғояларга қарши қатъий иммунитет яратишимиз, ўзимиз танлаган демократик тараққиёт йўлида янада салмоқли натижаларга эришишимиз мумкин.

Биз ўзимиз учун энг муҳим бўлган ана шу масалага бундан буён ҳам устувор аҳамият қаратамиз, жумладан, миллий маданий марказлар фаолиятини амалий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича зарур барча ишларни бажарамиз.

Масалан, яқинда менга мослаштирилган биноларда жойлашган қатор марказларнинг бир гуруҳ фаоллари ўзларининг меҳнат шароитларини яхшилашга кўмаклашиш тўғрисида мурожаат қилди.

Шу муносабат билан пойтахтимиз кўркига кўрк қўшиб турган, илгари "Ўзбекенгилсаноат" акциядорлик жамиятига тегишли бўлган Бобур кўчасидаги бинони Республика байналмилал маданият марказига беришни ва уни Дўстлик саройи деб номлашни таклиф этаман. Биз мазкур бинони реконструкция қилиш ва унинг атрофини ободонлаштиришни кўзда тутадиган тегишли ҳукумат қарорини қабул қиламиз.

Ана шу бинонинг ёнида жойлашган ва мустақиллик йилларида Республика байналмилал маданият маркази ўзининг кўплаб тадбирларини ўтказиб келаётган боғни "Дўстлик боғи" деб номлашни таклиф қиламан.

Шу муносабат билан Бош вазир А.Н.Арипов тегишли идоралар билан биргаликда, бир ой муддатда мазкур боғ ҳудудида Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча элу элат вакилларининг ўзига хос маданияти, урф-одатлари ва пазандачилик анъаналарини намойиш этиши учун павильонлар барпо қилиш лойиҳасини ишлаб чиқиши зарур.

Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманида Наврўз байрами арафасида очиладиган янги боғ эса энди буюк аждодимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур номи билан аталади.

Фанлар академияси институтлари билан ҳамкорликда мамлакатимизда миллатлараро муносабатларни янада ривожлантириш ва уйғунлаштиришга бағишланган илмий тадқиқотлар ўтказишни ташкил этиш Республика байналмилал маданият марказининг яна бир долзарб вазифаси, деб ҳисоблайман.

Агар Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган ҳар бир миллий маданий марказнинг фаоллари ўзларининг тарихий ватанлари билан маданий-гуманитар соҳадаги муносабатларни янада фаол ривожлантирадиган бўлса, ўйлайманки, мақсадга мувофиқ бўлади. Республика байналмилал маданият маркази биз учун муҳим бўлган бу масалада катта вазифани бажариши керак.

Ишонаманки, яна бир таклифни сизларнинг барчангиз қўллаб-қувватлайсиз.

Афсуски, ҳозирги вақтда шундай тажриба шаклланганки, мамлакатимизнинг аксарият аҳолиси турли миллат ва элатлар маданиятининг ўзига хос хусусиятлари билан бир йилда атиги икки-уч марта, энг аввало, Наврўз байрами кунларида танишиш имкониятига эга, бу албатта етарли эмас.

Шундан келиб чиққан ҳолда, Республика байналмилал маданият маркази Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда юртимиздаги ижодий ташкилотлар билан ҳамкорликда кенг жамоатчиликни Ўзбекистонда яшаётган турли миллат ва халқлар вакилларининг бетакрор маданияти, халқ ҳунармандчилиги, анъана ва урф-одатлари билан тизимли ва доимий асосда таништириш бўйича дастур ишлаб чиқиши ва ҳар йили йил давомида уни амалга ошириши айни муддао бўлур эди. Бунинг учун уларга мамлакатимиздаги энг яхши концерт майдончалари, театр саҳналари ва кўргазма залларини бериш керак.

Ҳеч шубҳасиз, буларнинг барчаси турли халқлар маданиятларининг бир-бирини ўзаро бойитишига, бизнинг кўп миллатли Ўзбекистонимизнинг маънавий ва маданий ҳаётини янада ёрқин намоён этишга хизмат қилади.

Қадрли дўстлар!

Биз сизлар билан мамлакатимизда Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилинган жорий йил бошида учрашиб турганимиз чуқур рамзий маънога эга.

Одамларнинг дарду ташвиши, манфаатларини ўйлаб яшаш, аҳоли учун муносиб шароитлар яратиш, дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторидан муносиб ўрин олишни давлат сиёсатининг устувор йўналишлари этиб белгилаганмиз.

Ишончим комил, сизлар ана шу дастурий вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда фаол иштирок этасиз. Халқимиз сизларнинг биз учун ўта муҳим, шунчалик зарур фаолиятингизни юксак қадрлайди ва у муносиб баҳоланмоқда.

Мустақиллик йилларида Республика байналмилал маданият маркази ва миллий маданий марказларнинг юздан ортиқ фаоллари фахрий унвонларга сазовор бўлди, орден ва медаллар билан тақдирланди.

Турли миллатлар вакили бўлган 14 нафар фуқаромиз Ўзбекистон Қаҳрамони деган юксак унвон билан мукофотланганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Мен сизларнинг кўпчилигингизни шахсан танийман, аксариятингизни телевидение, матбуотдаги чиқишларингиз орқали биламан ва бугун бошқаларга ўрнак бўладиган, халқимизнинг бирлиги ва жипслигини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшаётган яна 20 нафардан зиёд ташаббускор ва фидойи юртдошларимизга Ватанимизнинг юксак мукофотларини топширишдан хурсандман.

Уларнинг орасида Навоий вилояти Конимех туманидаги қорақалпоқ миллий маданий маркази фаоли Нуркул Базарбаева, Республика байналмилал маданият маркази директорининг ўринбосари Сергей Миронов, Тошкент вилояти Янгийўл тумани татар миллий маданий маркази раиси Анися Гатауллина, Сирдарё вилояти рус миллий маданий маркази раиси Фаина Голубцова, Хоразм вилояти қозоқ миллий маданий маркази раиси Пўлатбек Изюмов, Жиззах вилояти корейс миллий маданий маркази раиси Олег Ким, Фарғона вилояти яҳудий миллий маданий маркази раиси Семён Абдураҳмонов, Тошкент шаҳридаги литва миллий маданий маркази раиси Лидия Довидайтис, Самарқанд вилоятидаги немис миллий маданий маркази раиси Наталья Кайзер, Нукус шаҳридаги "Славутич" украин миллий маданий маркази раиси Ольга Миронец, Қашқадарё вилоятидаги тожик миллий маданий маркази раиси Абдурасул Эргашев каби юртдошларимиз бор.

Шунингдек, Тошкент шаҳридаги "Свитанак" белорус миллий маданий маркази раисининг ўринбосари Нина Шубникова, Қашқадарё вилоятидаги араб миллий маданий маркази раисининг ўринбосари Ниёзмуҳаммад Панжиев, Бухоро вилоятидаги турк миллий маданий маркази раиси ўринбосари Жума Шукуров, республика озарбайжон миллий маданий марказининг "Озарбайжон қизлари" ансамбли бадиий раҳбари Кайкеп Алиева, Қорақалпоғистон Республикаси туркман миллий маданий маркази фаоли Аразмухаммет Абаев, Андижон вилоятидаги қирғиз миллий маданий маркази фаоли Умутхон Мамаҭалиева, республика арман миллий маданий маркази фаоли Георгий Сааков ва бошқалар ҳам давлат мукофотлари билан тақдирланди. Улар биргаликдаги сайъ-ҳаракатлари билан энг муҳим вазифани бажармоқда, яъни мамлакатимизни ривожлантиришга, унинг маънавий ва инсонпарварлик асосларини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Энди учрашувимизнинг ҳаяжонли қисмига ўтиш – Ватанимизнинг юксак мукофотларини топширишга рухсат бергайсиз.

Ҳурматли дўстлар!

Сизларнинг барчангизни Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 25 йиллиги билан яна бир бор табриклаб, жонажон Ўзбекистонимизнинг барқарор тараққиёти ва фаровонлиги йўлида беғараз меҳнатингиз учун ўзимнинг чуқур миннатдорлигимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Сизлар билан, кўп миллатли ва меҳнатсевар халқимиз билан биргаликда эркин демократик ва фаровон давлат қурамиз ҳамда кўзлаган юксак мақсадларимизга албатта эришамиз.

Сизларнинг барчангизга мустаҳкам соғлиқ ва омад, оилавий бахт, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Барча эзгу ишларимизда Яратганнинг ўзи қўлласин!

Гўзал диёримизда доимо тинчлик-осойишталик барқарор бўлсин!

Ватанимиз осмони ҳамиша мусаффо, халқимиз омон бўлсин!

Эътиборингиз учун раҳмат.

## ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

**Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 24 январда қабул қилинган Фармонига мувофиқ Республика байналмилал маданият марказининг 25 йиллиги муносабати билан миллий маданий марказларнинг бир гуруҳ фаоллари фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланди.**

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 24 январь куни "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида миллий маданий марказлар фаоллари билан учрашди.

Бутун мамлакатимиз бўйлаб кенг нишонланаётган, дўстлик, аҳиллик байрамига айланган ушбу айёмнинг Биринчи Президентимиз Ислом Каримов таваллуд куни арафасида ўтаётганида теран маъно мужассам. Буюк Йўлбошчимиз истиқлолнинг илк кунларидан тинчлик ва фаровонликни таъминлашнинг муҳим омили сифатида миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият қаратди. Мустақиллигимиз эълон қилинган тарихий нутқида "Республикамизда истиқомат қилувчи барча миллат вакилларининг конституциявий ҳуқуқларини муҳофаза этиш, уларнинг маданияти, миллий урф-одатлари ривожланишига, она тилида сўзлашиши ва ўқишига барча шароитларни яратиш учун бор имкониятлар ишга солинади. Мустақил Ўзбекистоннинг сиёсати – инсонийлик, эзгулик қонунларига асосланади ҳамда фуқаролар осойишталиги ва миллий муроса сиёсати бўлиб қолади", деб давлатимиз сиёсатини, жамиятимиз истиқболини белгилаб берган эди.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш маросимидаги нутқида мамлакатимизда ҳукм сураётган миллатлар ва фуқаролар тотувлиги, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳитини кўз қорачиғидек сақлаш ҳамда мустаҳкамлашни ўзининг устувор вазифаси, деб ҳисоблашини алоҳида таъкидлади.

Республика байналмилал маданият марказининг 25 йиллиги юртимиз бўйлаб кенг нишонланаётгани ҳам мамлакатимизда инсонпарвар, тинчликпарвар сиёсат изчил давом эттирилаётганининг яна бир ҳаётий тасдиғи бўлди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев учрашувда ушбу муҳим масалага бундан буён ҳам устувор аҳамият қаратиб, миллий маданий марказлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун зарур барча ишлар амалга оширилишини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари Ватанимизнинг юксак мукофотларини тантанали равишда топширди.

Учрашувда сўзга чиққан Республика байналмилал маданият маркази директорининг ўринбосари Сергей Миронов, Тошкент шаҳар "Свитанак" белорус миллий маданий маркази раисининг ўринбосари Нина Шубникова, Тошкент вилояти қозоқ миллий маданий маркази раисининг ўринбосари Динислам Канаев, Самарқанд вилояти немис миллий маданий маркази раиси, Самарқанд енгил саноат ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси Наталья Кайзер, Республика қирғиз миллий маданий маркази раиси Раҳматулла Жабборов тинчлик ва миллатлараро тотувлик барқарор юртимизда яшаш улкан бахт эканини, бу кун уларнинг қалбида бир умр муҳрланиб қолишини таъкидлади, юксак эътибори ва ғамхўрлиги учун Президентимизга самимий миннатдорлик билдирди.

**Анвар САМАДОВ,**
**ЎзА мухбири**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## РЕСПУБЛИКА БАЙНАЛМИЛАЛ МАДАНИЯТ МАРКАЗИНИНГ 25 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МИЛЛИЙ МАДАНИЙ МАРКАЗЛАРНИНГ БИР ГУРУҲ ФАОЛЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

*Мамлакатимизда миллатлараро дўстлик ва тотувликни мустаҳкамлаш, жамиятимизда турли миллат ва элат вакиллари ўртасида ҳукм сураётган ўзаро ҳамжиҳатлик ва меҳр-оқибат муҳитини асраш, ёш авлодни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ҳамда миллий маданий марказлар фаолиятини ривожлантириш борасидаги катта хизматлари учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:*

### "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими"

**Базарбаева Нуркул Алимбаевна** – Навоий вилояти Конимех тумани қорақалпоқ миллий маданий маркази фаоли, Конимех туманидаги "Жас тулек" ансамбли бадиий раҳбари

### "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси"

**Миронов Сергей Александрович** – Республика байналмилал маданият маркази директорининг ўринбосари

*Юртимизда бағрикенглик, тинчликсеварлик ва инсонпарварлик муҳитини мустаҳкамлаш, миллий маданиятлар, урф-одат ва анъаналарнинг ўзига хослигини сақлаш ва ривожлантириш, ёшларимизни она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:*

### "Меҳнат шуҳрати" ордени билан

**Муҳаммадиев Насриддин** – Республика байналмилал маданият маркази директори

### "Дўстлик" ордени билан

**Абаев Аразмухаммет Аллабаевич** – Қорақалпоғистон Республикаси туркман миллий маданий маркази фаоли, Тўрткўл тумани "Мекан" газетаси бош муҳаррири

**Алиева Кайкеп Мириевна** – Республика озарбайжон миллий маданий марказининг "Озарбайжон қизлари" ансамбли бадиий раҳбари

**Гатауллина Анися Адихамовна** – Тошкент вилояти Янгийўл тумани татар миллий маданий маркази раиси

**Голубцова Фаина Семеновна** – Сирдарё вилояти рус миллий маданий маркази раиси

**Изюмов Пўлатбек Алламович** – Хоразм вилояти қозоқ миллий маданий маркази раиси

**Каримов Бахтиёр Раҳмонович** – Республика байналмилал маданият маркази фаоли, Тошкент давлат техника университетининг "Фалсафа ва миллий ғоя" кафедраси профессори

**Ким Олег Антонович** – Жиззах вилояти корейс миллий маданий маркази раиси

**Маматалиева Умутхон Ихволовна** – Андижон вилояти қирғиз миллий маданий маркази фаоли, Жалақудуқ туманидаги 27-умумий ўрта таълим мактаби директори

**Эргашев Абдурасул** – Қашқадарё вилояти тожик миллий маданий маркази раиси, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтининг "Автоматика ва ахборот технологиялари" кафедраси профессори

### "Шуҳрат" медали билан

**Абдурахманов Семен Пинхасович** – Фарғона вилояти яҳудий миллий маданий маркази раиси

**Довидайтис Лидия Григорьевна** – Тошкент шаҳар литва миллий маданий маркази раиси

**Кайзер Наталья Филипповна** – Самарқанд вилояти немис миллий маданий маркази раиси, Самарқанд енгил саноат ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси

**Канаев Динислом Акимбаевич** – Тошкент вилояти қозоқ миллий маданий маркази раисининг ўринбосари

**Миронец Ольга Артемовна** – Нукус шаҳридаги "Славутич" украин миллий маданий маркази раиси, Қорақалпоғистон Республикаси давлат санитария-эпидемиология назорати маркази лаборатория мудири

**Мурадов Анвар Маҳмудович** – Наманган вилояти тожик миллий маданий маркази фаоли, "Овози тожик" газетасининг Наманган вилояти бўйича мухбири

**Панжиев Ниёзмуҳаммад Рўзимуҳаммедович** – Қашқадарё вилояти араб миллий маданий маркази раисининг ўринбосари, Миришкор туманидаги 20-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси

**Саков Георгий Ашотович** – Республика арман миллий маданий маркази фаоли, "Депи Апага" журнали бош муҳаррири

**Халибаева Нортожи Тоштоновна** – Фарғона вилояти қирғиз миллий маданий марказининг "Сулув қиз" ансамбли бадиий раҳбари, Фарғона туманидаги 25-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси

**Шайқулов Қурбонмурод Чориёрқулович** – Сурхондарё вилояти туркман миллий маданий маркази фаоли, Узун туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактаби директори

**Шубникова Нина Афанасьевна** – Тошкент шаҳар "Свитанак" белорус миллий маданий маркази раисининг ўринбосари

**Шукуров Жума Котибович** – Бухоро вилояти турк миллий маданий маркази раисининг ўринбосари, Бухоро шаҳридаги 16-умумий ўрта таълим мактаби директори

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2017 йил 24 январь*

# ЎЗБЕКИСТОН – КЎП МИЛЛАТЛИ АҲИЛ МАМЛАКАТ

***"Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида 24 январь куни Республика байналмилал маданият марказининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.***

Тадбирга миллий маданий марказлар раҳбарлари ва фаоллари, парламент ва ҳукумат аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотлари, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакиллари таклиф этилди.

Тадбир иштирокчилари аввал Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

Байрам тадбири очиқ деб эълон қилинди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 24 январь куни миллий маданий марказларнинг бир гуруҳ фаоллари билан учрашди. Учрашув қатнашчилари ва улар тимсолида кўп миллатли бутун Ўзбекистон халқини Республика байналмилал маданият марказининг 25 йиллиги билан самимий табриклади. Давлатимиз раҳбари миллий маданий марказлар фаолларидан бир гуруҳига Ватанимизнинг юксак мукофотларини топширди.

Тантанали маросимда ана шу тадбир тафсилотлари намойиш қилинди.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 13 январдаги қарорига биноан мамлакатимизда Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилди.

1992 йили Ўзбекистонда турли миллат ва элатларнинг 10 миллий маданий маркази фаолият юритган бўлса, бугун улар 137 тага етди.

– Ўзбекистонда туғилдим, шу ерда таълим-тарбия олдим, оилали бўлдим, шу буюк ва муқаддас Ватан фарзанди эканимдан фахрланаман, – деди Тошкент ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи директори, сенатор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Агриппина Шин. – Мамлакатимизда миллий маданий ранг-баранглик ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айлангани барқарорликни таъминлашда, жамиятимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистоннинг миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлаш борасидаги катта тажрибаси бутун дунёда кенг эътироф этилмоқда, кўплаб мамлакатлар учун намуна бўлиб хизмат қилмоқда.

Республика байналмилал маданият марказининг 25 йиллиги муносабати билан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида турли тадбирлар ўтказилди.

– Бугун ҳаётимда жуда қувончли кун, Президентимиз Шавкат Мирзиёев "Шуҳрат" медалини кўксимга тақиб қўйди, – деди Тошкент шаҳар "Свитанак" белорус миллий маданий маркази раисининг ўринбосари Нина Шубникова. – Ўзбекистон – тинчлик, тотувлик, фаровонлик ва бахт мамлакати. Бу муқаддас Ватанда ҳар бир инсон, миллати, дини ва тилидан қатъи назар, меҳнат қилса, халқимиз уни ардоқлайди.

Республика байналмилал маданият марказининг 25 йиллигига бағишланган катта байрам дастурида санъат усталари ва миллий маданий марказлар бадиий жамоалари ижросида Ватан, истиқлол, тинчлик, дўстлик ва ҳамжиҳатликни тараннум этувчи куй-қўшиқлар янгради.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Н.Йўлдошев, Қонунчилик палатаси Спикери Н.Исмоилов, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов иштирок этди.

**ЎзА**



А.АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат

# ШУ АЗИЗ ВАТАН – БАРЧАМИЗНИКИ

***Ўзбекистон Фанлар академиясида Республика байналмилал маданият марказининг 25 йиллигига бағишланган "Ўзбекистон мустақиллиги – миллатлараро муносабатлар ривожида янги давр" мавзуидаги илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.***

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат ва жамоат ташкилотлари, миллий маданият марказлари раҳбарлари, олим ва мутахассислар, мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти Б.Йўлдошев, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ директори, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов, Республика байналмилал маданият маркази директори Н.Муҳаммадиев ва бошқалар азалдан халқимизга хос бўлган бағрикенглик фазилатлари истиқлол йилларида янги, янада чуқур мазмун-моҳият билан бойиб, изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Ватанимиз мустақилликни қўлга киритгач, 1992 йил 13 январь куни Марказий Осиёда биринчи бўлиб, Ўзбекистонда Республика байналмилал маданият маркази тузилди. Ўша йили қабул қилинган Асосий қонунимизда Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этиши, барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги белгилаб қўйилган.

Бугун мамлакатимизда бир юз ўттиздан ортиқ миллат ва элат вакиллари аҳил-иноқ яшаб, меҳнат қилмоқда. Юртимизнинг барча ҳудудида уларнинг миллий маданият марказлари фаолият кўрсатаётир. Ўтган йигирма беш йил ичида бу марказлар фаолияти ривожланиб, улар нафақат ҳар бир миллатнинг тилини, санъатини, маданиятини асраш, балки юртимиздаги меҳр-оқибат муҳитининг янада мустаҳкамланишига, тинчлик ва барқарорликнинг бардавом бўлишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Мамлакатимизда барча миллат ва элат вакиллари ўз тили, маданияти ва санъати, халқ ҳунармандчилиги, урф-одатлари ва анъаналарини ривожлантириши учун барча имконият яратилган. Мактаб ва олий ўқув юртларида дарслар ўзбек, қорақалпоқ, рус, қозоқ, қирғиз, тожик ва туркман тилларида олиб борилмоқда.

– Ўзбекистон ҳақида сўзлаганимда, қувончдан кўзларимга ёш келади, – дейди ЎзА мухбирига Қашқадарё вилояти татар-бошқирд миллий маданий маркази раҳбари Фирюза Ихсанова. – Кўплаб мамлакатларда бўлганман, бироқ ҳеч ерда ўзбек халқидек меҳмондўст, оққўнгил, бағрикенг ва меҳр-оқибатли инсонларни учратмаганман. Ўзбекистонимизда истиқомат қилаётган турли миллат ва элат вакиллари сингари биз, татарларнинг ҳам тинч-тотув яшашимиз, меҳнат қилишимиз учун барча шароит ва имкониятлар яратилган. Марказимиз қошида "Кояш" ашула ва рақс дастаси ташкил этилган. "Ўзбекистон – умумий уйимиз" шиори остида анъанавий ўтказиб келинаётган байрам тадбирларида фаол қатнашамиз. Ўзбекистонда нишонланадиган ҳар бир байрамни ўзига хос тарзда нишонлаймиз. Наврўз, Мустақиллик, Хотира ва қадрлаш кунлари каби байрамлар қатори Сабантўй миллий байрамимизни ҳам кўтаринки руҳда ўтказиш анъанамизга айланган. Ҳеч қандай муболағасиз айта оламанки, Ўзбекистоннинг ҳар бир қарич ери биз учун муқаддас.

Анжуманда "Миллатлараро тотувлик – тинчлик ва барқарорлик кафолати", "Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда динлараро тотувликни мустаҳкамлаш борасида эришилган ютуқлар", "Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон", "Миллатлараро тотувлик – жамиятдаги бирлик ва ҳамжиҳатлик омили" ва бошқа мавзуларда маърузалар қилинди.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари Абдулазиз Мансуров, Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Владимир Тюрденов, Ўзбекистон корейс маданият марказлари ассоциацияси раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Виктор Пак, Рим католик черкови епископи Ежи Мацулевич ва бошқалар мамлакатимизда амалга оширилаётган бағрикенглик сиёсати Ўзбекистонда тинчлик, миллатлар ва фуқаролараро тотувликнинг асосий омилларидан бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлади.

Тадбир доирасида "Ўзбекистонда бағрикенглик маданияти" ҳужжатли фильми намойиш этилди. Мамлакатимизда турли миллат вакилларининг бугунги ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи "Ўзбекистон – умумий уйимиз" китоб-альбомининг тақдимоти ўтказилди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Т.Норбоева сўзга чиқди.

**Дилшод КАРИМОВ**

# ЮРТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНМОҚДА

***Пойтахтимиздаги "International Hotel Tashkent" меҳмонхонасида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси лойиҳасининг жамоатчилик муҳокамасига бағишланган медиа-ҳафталик ташкил этилди.***

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда миллий ва халқаро экспертлар, журналистлар, мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакиллари иштирок этмоқда.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида олиб борилган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида миллий давлатчилигимиз пойдевори мустаҳкамланиб, давлатимиз суверенитети, чегараларимиз дахлсизлиги таъминланди. Жамиятимизда тинчлик ва осойишталик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини кучайтириш, қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатларини рўёбга чиқариш бўйича улкан ишлар амалга оширилди.

Иқтисодиётда маъмурий-буйруқбозликка асосланган, эски бошқарув тизимидан мутлақо воз кечилиб, бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтилгани, пул-кредит сиёсати пухта ўйлаб олиб борилгани, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракати учун йўл очиб берилгани макроиқтисодий барқарорликни, иқтисодиётнинг юқори суръатлар билан ривожланишини таъминлаш, энг муҳими, халқимизнинг ҳаёт сифати даражасини оширишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси лойиҳаси амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамият ривожини янги босқичга кўтариш, ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш мақсадида ишлаб чиқилди.

Амалдаги қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш ва илғор хорижий тажрибаларни таҳлил қилган ҳолда тайёрланган Ҳаракатлар стратегиясида демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, суд-ҳуқуқ, иқтисодий, ижтимоий соҳалар ва хавфсизликни таъминлаш бўйича бешта устувор йўналиш белгиланган. Ҳаракатлар стратегияси беш босқичда, келгуси беш йилда мамлакатимизда йилларга бериладиган номлардан келиб чиқиб, ҳар бир йил бўйича давлат дастурлари қабул қилинишини назарда тутган ҳолда амалга оширилади.

Кенг жамоатчилик қатламининг бу борадаги фикр-мулоҳазаларини билиш, мутахассислар иштирокида комплекс таҳлил этиш, экспертларнинг шарҳи ва таклифларини ўрганиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳукумат порталида (www.gov.uz) мазкур ҳужжат лойиҳаси эълон қилиниб, умумхалқ муҳокамасига киритилган.

Жамоатчилик муҳокамасини янада кенгайтириш мақсадида ташкил этилган медиа-ҳафталик доирасида Ҳаракатлар стратегиясининг бешта йўналиши бўйича мутахассислар тақдимотлари, улар юзасидан очиқ муҳокама ва мунозаралар, анжуманлар, брифинглар, ток-шоулар ўтказилмоқда.

Ҳафталик иштирокчиларига қулайлик яратиш мақсадида замонавий ахборот технологиялари билан жиҳозланган медиа-майдонча ташкил қилинган. Бу ерга юқори тезликдаги интернет ва wi-fi алоқаси билан таъминланган компьютерлар, пресс-китлар ўрнатилган. Нодавлат ҳудудий телестудияларнинг Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси Ёшлар мультимедиа телекомплекси билан онлайн боғланишлари йўлга қўйилган.

– Мамлакатимиз хавфсизлиги, тараққиёти ва сиёсий барқарорлигини янада мустаҳкамлашда ҳар бир фуқаронинг иштирокини таъминлаш бугунги куннинг долзарб вазифасидир, – дейди Олий Мажлис Сенати раиси ўринбосари Светлана Ортиқова. – 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси лойиҳасини мутахассис ва экспертлар иштирокида муҳокама қилиш ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида ташкил этилган ушбу медиа-ҳафталик бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳафталик доирасида тайёрланаётган барча медиа материаллар телерадиостанциялар эфирлари орқали тезкорлик билан узатилмоқда, интернет сайтлари ва ижтимоий тармоқларга жойлаштириб борилмоқда.

**ЎзА**

## ХХI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Жиззахда вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларининг иқтисодиёт масалалари бўйича ўринбосарлари, тадбиркорлар, солиқ инспекциялари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари иштирокида кўргазмали семинар бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси солиқ ва бюджет сиёсатининг 2017 йилги асосий йўналишлари қабул қилингани муносабати билан солиқ қонунчилигига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар мазмун-моҳиятини тадбиркорлик субъектлари ҳамда кенг жамоатчиликка етказиш масаласи муҳокама қилинди.**

**● Самарқанд вилояти ҳокимлигида Франция тараққиёт агентлиги билан ҳамкорликда амалга оширилаётган Самарқанд шаҳрида қаттиқ маиший чиқиндиларни бошқаришни модернизация қилиш бўйича лойиҳа тақдимоти бўлиб ўтди. 2017-2019 йилларга мўлжалланган лойиҳа Самарқанд шаҳрида энг илғор тажрибалар ва жаҳон андозаларига мувофиқ маиший чиқиндиларни самарали ва узоқ муддатли яхлит бошқариш тизимини яратишга қаратилган.**

**● Хоразм вилояти Боғот туманида Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили муносабати билан вилоят ҳокимлиги, прокуратураси ва ички ишлар бошқармаси ҳамкорлигида очиқ мулоқот ўтказилди. Очиқ мулоқот тарзида ўтган учрашувда туманнинг турли ҳудудларидан, айниқса, чекка маҳаллалардан келган фуқаролар ва тадбиркорларнинг фикрлари, уларни қийнаётган муаммо ва масалалар ҳақида сўз юритилди.**

**● Гулистонда Ўзбекистон Республикаси солиқ ва бюджет сиёсатининг 2017 йилги асосий йўналишлари қабул қилингани муносабати билан солиқ қонунчилигига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар мазмун-моҳияти тарғиботига бағишланган кўргазмали семинар бўлиб ўтди.**

### ЖАҲОНДА

**● Япониянинг шимолий музофотлари қалин қор остида қолди. Жумладан, Аомори ва Ямасата музофотларида бир неча кундан буён ёққан қор қалинлиги 2,5 метрга етди. Хонсю оролидаги Хиого музофотида эса 50 га яқин оила яшайдиган қишлоқ қорнинг қалинлиги туфайли ташқи дунёдан буткул узилиб қолган, табиий офат натижасида етти киши ҳалок бўлган. Ҳозирда уларга ёрдам бериш учун полиция вертолётлари юборилмоқда.**

**● Саудия Арабистонининг Эр-Рияд шаҳри аэропортида божхона кўригидан ўтказиш чоғида йўловчилардан бирининг ошқозонида 110 та капсулага жойланган 1 килограммга яқин героин гиёҳвандлик моддаси борлиги аниқланди ва йирик жиноий ҳаракатга чек қўйилди.**

**● Буюк Британия миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда, Божхона иттифоқи ва умумий Европа бозоридан чиқишини маълум қилди.**

**● Спорт тадқиқотлари халқаро маркази томонидан дунёдаги энг қимматбаҳо футболчиларнинг номлари эълон қилинди. Ушбу рўйхатни Испаниянинг "Барселона" клубининг икки нафар футболчиси — трансфер қиймати 246,8 миллион еврога баҳоланган Неймар ҳамда Лионель Месси (170,5 миллион евро) бошқармоқда. Қизиғи шундаки, 2016 йил якунлари бўйича дунёнинг энг яхши футболчиси деб топилган "Реал" (Мадрид) клуби футболчиси Криштиану Роналду мазкур рейтингда еттинчи ўринда қайд этилган.**

Болалар спорти

# Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур

Ёшлар – келажагимиз

## МЕН АЛБАТТА ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ БЎЛАМАН...



Козим Ўлмасов олган сурат

***Бугунги лавҳамиз қаҳрамони Зилола Жўраева эндигина 10 ёшга тўлди. Аммо, Зилола ўзининг меҳнатсеварлиги, тиришқоқлиги, эпчиллиги ҳамда чаққонлиги туфайли спортнинг ўзбек жанг санъати тури бўйича ўтказилган турнирларда доимо юқори натижаларни қўлга киритиб, маълум муваффақиятларга эришишга улгурди.***

Сергели туманида истиқомат қилаётган Тўлқин Жўраев хонадонида бундан ўн йил муқаддам қувончли воқеа юз берди. Яъни Тўлқин Жўраев ҳамда уй бекаси Камола Жўраевалар фарзандли бўлишди. Қизалоққа Зилола деб исм қўйишди. Зилола туғилганидан кейин хонадон янада нурга чўмгандек, файзли бўлгандек эди. Чунки қизча болалигидан ҳар бир нарсага қизиқувчан, зеҳни ўткир ва зукко бўлиб вояга етаётган эди. Албатта, ота-онанинг орзуси фарзанди камолини кўриш, уни ақлли, доно қилиб тарбиялаш. Шу боис, Тўлқин ака ҳамда Камола опа Зилолани 5 ёшиданоқ спортга беришга аҳд қилишди. Ота-она Зилолани спортнинг нафис тури – бадиий гимнастика билан шуғулланишини истаб, Сергели туманидаги БЎСМ (Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби)га етаклаб боришди. Тумандаги ушбу спорт мактабида бадиий гимнастикадан ташқари каратэ, таэквандо, ўзбек жанг санъати ҳамда кураш тўгараклари мавжуд бўлиб, Зилола бадиий гимнастикани эмас, балки ўзбек жанг санъати спорт тури билан шуғулланишни хоҳлаб қолди.

Чунки, қизчани ўзбек жанг санъатидаги чаққонлигу эпчиллик, тезкор жозибали ҳаракатлар ўзига бутунлай ром этган эди. Хуллас, шу кундан эътиборан Зилола ўзбек жанг санъати сирларини мураббийси Ислом Раҳмонов кўмагида қунт билан астойдил ўргана бошлади.

– Зилоладаги меҳнатсеварликни, тиришқоқликни кўриб, унинг келажакда профессионал спортчи бўлишига ишонганман, – дейди мураббий Ислом Раҳмонов. – Шогирдимнинг ютуғи шундаки, у доимо сергак, мураббий берган топшириқни охиригача мукаммал адо этади, машғулотларда берилган кўрсатмаларни аниқ бажаради, маромига етмагунича тинчимайди. Шу туфайлими, Зилола ҳозиргача ўзи қатнашган турнирларда фақат 1, 2-ўринларга сазовор бўлиб келяпти. Агар ўз устида тинимсиз изланса, ўзбек жанг санъати сирларини мукаммал ўрганишга интилса, келажакда албатта жаҳон чемпиони бўлади.

Дарҳақиқат, лавҳамиз қаҳрамони шу кунга қадар 30 га яқин катта-кичик турнирларда қатнашиб, якунда фақат совринли ўринларга сазовор бўлиб келмоқда. Дастлаб, 2013 йилда Сергели туманидаги БЎСМда спорт мактаблари тарбияланувчилари ўртасида ташкил этилган турнирдаёқ Зилола шоҳсупанинг энг юқори поғонасини забт этиб, мутахассислару мухлисларни ҳайрон қолдирган эди. Маълумки, мамлакатимизда нишонланадиган байрамлар муносабати билан болалар, ўсмирлар ўртасида мусобақалар уюштириш анъанага айланган. Ҳар бир байрамда ўтказиладиган турнирда Зилола муваффақиятли иштирок этади. Эътиборлиси, у республика миқёсида 2013 йилдан бери уюштирилаётган турнирларда ҳам фақат 1-ўрин соҳиби бўлиб келмоқда. 2015 йили Самарқандда, Бухорода бўлиб ўтган республика турнирларида ҳам фақат совриндор бўлган Зилола ўтган йили уюштирилган қизлар ўртасидаги "Камолот" кубоги турнирининг ҳам ғолиби бўлди.

Айни кунларда Зилола Сергели туманидаги 317-умумтаълим мактабида 4-синфда аъло баҳоларга ўқимоқда. У мураббийси Ислом Раҳмонов раҳбарлигида жорий йил Ҳиндистон ҳамда Жанубий Кореяда ўтказиладиган иккита халқаро турнирга тайёргарлик кўрмоқда.

– Мақсадим халқаро турнирларда юртимиз шарафини ҳимоя қилиш,– дейди Зилола. – Мен албатта келажакда жаҳон чемпиони бўламан.

Мақоламизни тугатар эканмиз, орзуларингга эришгин Зилола, дея ният қилдик.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**



Жамғармалар фаолиятидан

## БОЛАЛАР СПОРТИ РИВОЖИ ЙЎЛИДА

***"Фарзандлари соғлом юрт — қудратли бўлур", деган ҳикматли иборада олам-олам маъно мужассам.***

Болалар ва ўсмирларнинг, айниқса қизларнинг жисмонан бақувват, маънан етук ва соғлом бўлиб вояга етишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали томонидан ўтган Соғлом она ва бола йилида муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, пойтахтимизда ўтган йили 720 та спорт мусобақалари ўтказилиб, уларга 190377 нафар ўқувчи-ёшлар жалб этилди. Мусобақаларда ғолибларга 92,3 миллион сўмлик совғалар туҳфа этилди. Машҳур спортчи ва иқтидорли ёшлар иштирокида ўтказилган 243 та маҳорат сабоқлари ҳамда учрашувларда 24926 нафар болалар иштирок этди.

Шунингдек, шахмат, ўқ отиш, каратэ, шотокан каратэ, бокс, юнон-рум кураши, эркин кураш, бадиий гимнастика, спорт гимнастикаси, спорт акробатикаси, трамполин, енгил атлетика, сузиш, таэквондо ITF, таэквондо WTF, ўзбек жанг санъати, гандбол, эшкак эшиш, у-шу, универсал жанг, дзюдо, регби спорт турлари бўйича ўтказилган халқаро мусобақаларда 403 нафар бола иштирок этишди. Ушбу мусобақаларда қўлга киритилган 329 медалнинг 156 таси олтин, 97 таси кумуш, 76 таси бронза медаллари эканлиги таҳсинга сазовор. Умуман, Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси тасарруфида 629 та спорт иншоотлари мавжуд бўлиб, шундан 342 тасини спорт заллари ташкил этади. Уларда 81792 нафар болалар спорт билан шуғулланади.

Шунингдек, ўтган йилнинг 10 сентябрь кунида жамғарма томонидан бунёд этилган Мирзо Улуғбек туманидаги 211-умумтаълим мактаби спорт зали ўқувчиларга фойдаланишга топширилди. Бектемир туманидаги 1-сонли БЎСМ сузиш ҳавзасининг ўқувчи-ёшлар ихтиёрига топширилиши нур устига аъло нур бўлди.

Чилонзор туманидаги Республика Олимпия заҳиралари касб-ҳунар коллежида бунёд этилган ёпиқ турдаги сузиш ҳавзаси ҳам ёшларга муносиб совға бўлди. Бундан ташқари Миробод туманидаги ИБЎСМ учун ўйин спорт турлари ва енгил атлетика бўйича спорт мажмуаси қурилиши, Мирзо Улуғбек туманидаги Республика от спорти бўйича олий маҳорат мактаби, Сергели туманидаги БЎСМ сузиш ҳавзаси қайта реконструкция қилинди.

Хулоса қилиб айтганда, биз буюк давлат барпо этиш йўлидан борар эканмиз, аввало келажагимиз давомчилари бўлмиш ёшларнинг баркамол, жисмонан бақувват, маънан етук бўлиб вояга етишлари йўлида хизмат қилиб, фаоллик ва масъулият билан ҳаракат қиламиз. Жамғармамиз эса болалар спортини янада ривожлантиришдек хайрли хизматни аъло даражада бажариш йўлида доимо изланади, интилади ва бунга эришади, албатта.

**Маъмур САИДҚОСИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали директори**

## ШАХМАТГА ҚИЗИҚУВЧИЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

***"Ақл гимнастикаси" ҳисобланган шахмат мамлакатимизда йилдан йилга ривожланиб бораётганлиги айни ҳақиқат.***

Буни болалар ва ўсмирлар ўртасида ўтказилаётган Тошкент шаҳар, республика биринчиликларида ғолиб ва совринли ўринларни эгаллаётган ёшлар сафининг кенгайиб бораётганлиги ҳам яққол исботлайди.

Шайхонтоҳур туманидаги 1-сонли Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби (БЎСМ)да фарзандларимизга шахматдан ташқари қиличбозлик, шашка, бадиий гимнастика, сузиш, эркин кураш, дзюдо, самбо, футбол, таэквондо WTF, таэквондо ITF, қўл жанги, белбоғли кураш сирларини 26 нафар мураббий ўргатиб келишмоқда. Спорт масканимизда 1100 нафар ўқувчи-ёшлар юқорида тилга олинган спорт турларини қунт билан ўрганмоқдалар. Шахмат билан эса 180 нафар ўқувчи-ёшлар мунтазам шуғулланаяпти. Ўқувчиларга спорт сир-асрорларини ўрганишларида мураббийлардан — қиличбозлик бўйича Элдор Мусаев, дзюдодан — Бауржон Абишев, Суннат Баниёзов, шахматдан — Гулнора Ортиқова, Мафтуна Маматқулова, Суннат Баниёзов, Фарҳод Тоҳировларнинг ҳиссалари катта бўлмоқда.

Малакали устозлар ўгитларига қатъий амал қилаётган ўқувчи-ёшларимиздан — шахмат бўйича Моҳинур Ҳабибуллаева, Дилбар Ҳамроева, Алихон Авазхоновлар ўтган йилларда ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон ва Осиё чемпионлигини қўлга киритишгани биз устозларни қувонтиради. Шунингдек, дзюдодан — Санжар Баҳромов, Ботир Қўчқоров, эркин курашдан — Ҳасан Абдуманнопов, Жамшид Муҳаммаджонов, қиличбозликдан — Тоҳир Жўраев ҳам ўтган йили ўсмирлар ўртасида мамлакат чемпиони бўлишгани мактабимизда жисмоний тарбия ва спортга катта аҳамият қаратилаётганининг яққол далили бўла олади.

Дарвоқе, спорт масканимизда ёшларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишлари, таълим олишлари учун барча шароитлар яратилган. Шу ўринда бир гапни таъкидлашга тўғри келади. Спорт мактабимиз Шайхонтоҳур туманида жойлашганига қарамай, ўқув масканимизга пойтахтимизнинг бошқа туманларидан ҳам ёшлар келишади.

Энди бироз шахматга тўхталадиган бўлсак, бу спорт турини бежизга "ақл гимнастикаси" деб атамайдилар. Чунки шахмат болани фикрлашга, иродасини мустаҳкамлашга, вазмин, оғир-босиқ бўлишга ўргатади. Бир сўз билан айтганда шахмат билан хусусан, спортнинг бошқа турлари билан шуғулланган бола яхши инсон бўлиб шаклланади, турли хил жиноятларга, оқимларга ўралашиб қолмайди. Шу боис ҳам азиз ота-оналарга болаларингизни шахмат билан хусусан, спортнинг барча турлари билан ошно бўлишларига имкон яратинг, деймиз. Спорт мактабимизга фарзандларингизни олиб келинг. Албатта, келгусида улар орасидан Ўзбекистон, жаҳон чемпионлари етишиб чиқади ва бу бўлажак чемпионлар юртимиз довруғини оламга ёйишади.

**Гулнора ОРТИҚОВА,**
**Шайхонтохур туманидаги 1-сонли БЎСМ услубчиси**

## ФЕСТИВАЛЬ МАРОҚЛИ ЎТДИ

***Пойтахтимизда олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлар ўртасида шахмат фестивали бўлиб ўтди.***

Юртимизда болалар ва ўсмирлар ўртасида шахматни янада оммалаштириш мақсадида уюштирилган ушбу турнирда 186 нафар ўқувчи-ёшлар тўрт гуруҳга бўлинган ҳолда ўзаро дона суришди.

Республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар филиали ташаббуси билан ўтказилган фестиваль якунида ўз гуруҳларида ғолибликни қўлга киритган Жавлон Жўрабеков, Дониёр Сафаров, Камрон Қорабоев, Дилбар Ҳамроева, Моҳинур Ҳабибуллаева, Мунира Зоҳидова, Жамшид Эсонжонов, Дмитрий Горгуша, Афрўза Рўзиматова, Довудхон Комилхонзода, Шаҳзод Иноятхўжаев, Умаржон Баҳодиров, Мўбина Рашидова, Мадина Хўжабоева, Севинч Давлатоваларга совринлар топширилди.

**Анвар ЙЎЛЧИЕВ**

*Чилонзор тумани ҳокимининг*
*ҚАРОРИ*

## ЧИЛОНЗОР ТУМАНИДА 2017 ЙИЛДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА МЕЛИОРАТИВ ТЕХНИКАНИ, МАШИНА-ТРАКТОР ПАРКЛАРИ, УСТАХОНАЛАР ВА СЕРВИС ПУНКТЛАРИНИНГ АСБОБ-УСКУНАЛАРИНИ ТЕХНИК КЎРИКДАН ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 6 декабрдаги 345-сон қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Машина ва асбоб-ускуналарнинг техник ҳолатини назорат қилиш давлат бош инспекцияси тўғрисида"ги Низоми (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 50-сон, 559-модда), Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2013 йил 2 апрелдаги буйруғи билан тасдиқланган "Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низом ("Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2013 йил 29 апрель, 17-сон, 229-модда) ижросини таъминлаш ҳамда туманда 2017 йилда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техника, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини (бундан буён матнда техника деб юритилади) ҳар йиллик техник кўрикдан ўтказиш мақсадида, шунингдек, Тошкент шаҳар "Давтехназорат" инспекциясининг 2016 йил 20 декабрдаги 419-сонли хатини инобатга олиб,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Чилонзор туманида 2017 йилда мулкчилик шаклидан қатъий назар ташкилотларда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш иш режаси 1-иловага ва комиссия таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Туман қишлоқ хўжалиги техникалари бўйича давлат инспектори (комиссия раиси) М.Каримкуловага:

техникага мулк ҳуқуқи асосида эга шахсларга (бундан буён матнда мулкдор деб юритилади) техникаларини техник кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги билдиришномани техник кўрик ўтказиш кунидан камида ўттиз кун олдин юборишни таъминлаш;

мулкчилик шаклидан қатъий назар барча русумдаги қишлоқ хўжалик ва мелиоратив йўл қурилиш техника воситалари, машина асбоб-ускуналарни йиллик техник кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги иш режаси ва комиссия таркибини юридик ва жисмоний шахсларга етказиш;

мулкчилик шаклидан қатъий назар барча русумдаги қишлоқ хўжалик ва мелиоратив йўл қурилиш техника воситаларини йиллик техник кўрикдан ўтказиш майдончаларига йиғиш;

техник кўрикдан ўтган техникаларни далолатномалар асосида ишлашга рухсат беришни ташкил қилиш;

техник кўрикдан ўтмаган ёки техник кўрикка тақдим этилмаган техникалар юзасидан мулкдорга ёзма кўрсатма берилиши ва қайта техник кўрикдан ўтказиш учун ўн кундан кам бўлмаган муддатни белгилаш;

техникани қайта кўрикдан ўтказиш учун мулкдордан йиғим ундирилмаслик;

мулкдор кўрсатмада белгиланган муддатда техникани қайта техник кўрикдан ўтказмаган ҳолда туман ҳокимлигига маълумот бериш ишларини амалга ошириш топширилсин.

3. Бошқа туманларда фойдаланилаётган техника ушбу манзилдаги давлат инспектори томонидан техника доимий рўйхатдан ўтган давлат инспекторининг сўровномасига асосан техник кўрикдан ўтказилиши белгилансин.

4. Мулкдорларга:

билдиришномани олгандан сўнг техник кўрик ўтказилишидан камида беш кун олдин техник кўрикдан ўтказиладиган техникалар тўғрисида далолатнома тўлдирилсин;

техник кўрикдан ўтказиш учун белгиланган йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни техника доимий рўйхатдан ўтган жойдаги давлат инспекторига тақдим этилсин.

5. "Давтехназорат" инспекцияси (С.Хаитов):

ташкилотлар раҳбарлари томонидан мазкур қарорни тўлиқ бажариш юзасидан қатъий назорат ўрнатсин.

6. Туман ҳокимлигининг Ташкилий-назорат гуруҳи (А.Эрматов) ва Чилонзор туман ҳокимлигининг "Компьютерлаштириш маркази" ДУКнинг Чилонзор туман тармоқ администратори (Р.Исраилов):

Мазкур қарор "Тошкент оқшоми" ва "Вечерний Ташкент" газеталарида расмий эълон қилинсин ва www.tashkent.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.

7. Туман ҳокимининг 2016 йил 14 январь кунидаги "Чилонзор туманида 2016 йилда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида"ги 15-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

9. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Далабаев зиммасига юклансин.

**Чилонзор тумани ҳокими**
**Т.Мирхидоятов**

*2017 йил 13 январь*

***Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг www.tashkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.***

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**"KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

**Аукцион савдосига Мирзо Улуғбек туман СИБ томонидан,** ЖИБ Янгиер шаҳар судининг 2013 йил 23 декабрдаги 1-196/2013-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Паркент кўчаси, 23-уй манзилида жойлашган умумий майдони 69,14 кв.м, яшаш майдони 39,82 кв.м бўлган 4-хонадон қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 73 839 519 сўм.**

**Аукцион савдоси 2017 йил 1 март куни соат 11:00 да бўлиб ўтади**. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2017 йил 27 февраль куни соат 18:00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг "Ипак йўли банки" АИТБ Сағбон ф-даги 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519 ҳ/рга тўлашлари шарт.

Аукцион ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел/факс: 228-80-26. www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001.





# КИТОБ – НАФОСАТ ЁҒДУСИ

***Китоб – яхши хулқ, яхши фазилатлар калити. Унга қанчалик яқин бўлиш ва севиб мутолаа қилиш инсон руҳиятини нурга, қалбини яхшилик ва эзгуликка тўлдиради. Шу сабаб янги китобларни чоп этиш энг улуғ ишдир. Яқинда китоб дунёси Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидовнинг “Танланган асарлар”, унинг қорақалпоқ тилида нашр этилган “Руҳлар исёни” достони ва адабиётшунос Р.Иноғомовнинг “Шоирлик қисмати” китоблари билан бойитилди.***

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ушбу янги чоп этилган китоблар тақдимоти ўтказилди. Унга адабиётшунос олимлар, шоир ва ёзувчилар, талабалар таклиф этилди.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректори А.Марахимов, Ўзбекистон халқ шоири А.Обиджон, “Ёшлик” журнали бош муҳаррири Н.Жонузоқ ва бошқалар Эркин Воҳидовнинг ижодий мероси ёшларнинг маънавий оламини бойитиш, адабиётга қизиқишини уйғотиш ва уларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Бундай эзгу ишларда шоир ижодини кенг оммага таништириш ва у яратган асарларни нашрга тайёрлаш мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган нашриётларга катта масъулият юклайди.

– Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 12 январдаги “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”-ги Фармойиши бу борадаги ишларни янги босқичга кўтарди, – дейди Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо. – Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси мазкур ҳужжат ижросини таъминлаш мақсадида ҳамкорликни йўлга қўйди. Унга кўра, ёшларнинг китобхонликка қизиқишини ошириш мақсадида шоир ва ёзувчилар, ижодкорлар билан учрашувлар ҳамда маънавий-маърифий тадбирлар биргаликда ташкил этилади.

Эркин Воҳидовнинг “Танланган асарлар” китоби Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг “Ижод” жамоат фонди томонидан нашрга тайёрланиб, “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида чоп этилди. Шоирнинг қорақалпоқ тилида нашр этилган “Руҳлар исёни” достонини Нукусдаги “Билим” ва адабиётшунос Р.Иноғомовнинг “Шоирлик қисмати” китобини “Mashhur-press” нашриётлари чиқарди.

– Бугунги тадбир биз учун таассуротларга бой бўлди, – дейди Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети талабаси Г.Кенжаева. – Биз янги чиққан китоблар ҳақида маълумотлар олдик. Бу тадбир биз, ёшларни улуғ шоиримиз шеърларини ўқишга ва китоб билан ошно бўлишга ундайди.

Тадбирда тақдимоти ўтказилган китоблардан юз нусхаси Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан университетнинг Ахборот-ресурс марказига тақдим этилди.

Эркин Воҳидов ижодига бағишланган видеоролик намойиши ва шоир ижодидан ўқилган намуналар тадбирга янада файз киритди.

**Н.ЗИЁДУЛЛАЕВА,**
**ЎзА мухбири**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**XALQ BANKI**

**Акциядорлик тижорат Халқ банки Тошкент шаҳар Сергели филиали биносини қурилиш-монтаж ишлари лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш учун ички танловга лойиҳа ташкилотларини таклиф этамиз.**

*Мурожаат учун манзил:*
*Акциядорлик тижорат Халқ банки*
*Тошкент шаҳар филиали.*
*Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани,*
*Ш.Руставели кўчаси, 9А-уй.*

*Тел: 202-50-50*

**“AUTO GARANT BUSINESS” МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

2017 йил 28 февраль куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, СИБ томонидан 27.06.2016 йилдаги 10-1604/8627-сонли ижро варақасига асосан хатланган қу-йидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 446 TTD бўлган “ГБА СПГ Нексия Донс” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 30 000 000 сўм. 2.2014 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 371 CDA бўлган “Нексия Донс” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 26 500 000 сўм.

2017 йил 15 февраль куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани СИБ томонидан 26.04.2013 йилдаги 10-1319/642-сонли ижро варақасига асосан хатланган 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 079 SAA булган “Матиз” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 15 067 920 сўм.

Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани СИБ томонидан ТШХСнинг 27.04.2015 йилдаги № 10-1520/3165-сонли ижро варақасига асосан хатланган Тошкент шаҳри Учтепа тумани, 13-мавзедаги автотураргоҳда сақланаётган:

1. 2014 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/167 EDA бўлган “ГБА СПГ ЗАЗ Форза” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 26 880 000 сўм.

2. 2014 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/169 EDA бўлган “ГБА СПГ ЗАЗ Форза” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 26 880 000 сўм.

3. 2014 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/652 CDA бўлган “ГБА СПГ ЗАЗ Форза” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 26 880 000 сўм.

4. 2014 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/164 EDA бўлган “ГБА СПГ ЗАЗ Форза” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 26 880 000 сўм.

5. 2014 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/580 TTD бўлган “ГБА СПГ ЗАЗ Форза” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 26 880 000 сўм миқдорида такроран қўйилмоқда.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилида бўлиб ўтади.

Юқоридаги автотранспорт воситалари ва мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати 2017 йил 28 февраль кунидаги аукцион савдоси учун 2017 йил 24 февраль куни соат 16:00, 2017 йил 15 февраль кунидаги аукцион савдоси учун 2017 йил 13 февраль куни соат 16:00. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – “Auto Garant Business” МЧЖнинг “ASIA ALLIANCE BANK” АТБ Мирзо Улуғбек тумани филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: 2020 8000 9048 8730 5001, МФО: 01103, СТИР: 301 829 604. Аукцион ғолиби сотиб олган автотранспорт воситаси қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. www.agb.uz. Телефон: (371) 233-61-44, (95) 146-61-44.

*Гувоҳнома 004593.*

**“Best realtor” МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

Савдога Мирзо Улуғбек туман СИБ томонидан, ЖИБ Юнусобод туман судининг 24.03.2014 йилдаги 1-12/14-сонли ижро ҳужжатига асосан, “Ks Ind” МЧЖга тегишли, Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, Примкулов кўчасида жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 41055,95 кв.м., қурилиш остидаги ер майдони 9773,0 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 10989,83 кв.м., асосий бинолар сони 20 та бўлган бино ва иншоотлар такроран қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 4 160 121 449 сўм.**

Аукцион савдолари 2017 йил 13 февраль куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади.

Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2017 йил 10 февраль куни соат 18:00.

Савдога қўйилган мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда “Best realtor” МЧЖнинг АТБ “Kapitalbank” Тошкент шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20208000500433601001, МФО: 00445. ИНН: 303179580.

Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Осиё кўчаси, 1-уй, Телефон: (99895)193-01-11. www.emulk.uz, bestrealtor@inbox.uz. Лицензия RR-0225.

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**Диққат! Диққат! Диққат!**
**Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл инвесторлари диққатига!**

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, “Ko`chmas mulk savdo xizmati” МЧЖ бошланғич нарх босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат активлари такроран қўйилади:

**I**. Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси “Ўзгипроўрмонлойиҳа” ДУКга қарашли, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, “М” мавзеси, Чўпон ота кўчаси, 28а-уй манзилида жойлашган умумий майдони 834 кв. метрга тенг бўлган маъмурий бинонинг 5-қавати қисми.

Бошланғич нархи – 1 865 092 160 сўм.

Балансда сақловчи: Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси “Ўзгипроўрмонлойиҳа” ДУК.

Фаолияти ихтисоси: Ўрмон тузиш ва лойиҳа қидирув корхонаси.

**II**. Ўрмон хўжалиги бош бошқармасига қарашли, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 8-мавзе, Қатортол кўчаси, 21-уй манзилида жойлашган умумий майдони 2198 кв. метрга тенг бўлган маъмурий бино қисми.

Бошланғич нархи – 6 175 368 504 сўм.

Балансда сақловчи: Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси.

Фаолияти ихтисоси: Ўрмон барпо қилиш.

**III.** Тошкент шаҳри, Мирobod тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 36-уй манзилида жойлашган “Республика дон маҳсулотларини ҳимоя қилиш экспедицияси” давлат унитар корхонаси (мол-мулклари ва бино-иншоотлари билан бирга).

Бошланғич нархи – 2 715 487 719 сўм.

**IV.** Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси тасарруфидаги, Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Ҳ.Олимжон майдони, Шарқий томон, 13а-уй манзилида жойлашган бино қисми.

Бино ва иншоотлар эгаллаган майдони - 1630 кв. метр.

Бошланғич нархи – 5 009 704 687 сўм.

Балансда сақловчи: Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси.

Фаолияти ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

**V.** Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти тасарруфидаги, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Қатортол кўчаси, 38-уй манзилида жойлашган умумий майдони 230 кв. метрга тенг бўлган бир қаватли бинонинг ертўласи (ошхона).

Бошланғич нархи – 488 085 035 сўм.

Балансда сақловчи: Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти.

Фаолияти ихтисоси: Бинолардан фойдаланиш.

Савдо ташкилотчиси: “Ko`chmas mulk savdo xizmati” МЧЖ, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1“А”-уй. Тел/факс (0-371) 228-84-48. веб-сайт: www.1kms.uz. электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR 0001.

Аукцион савдоси 2017 йил 13 февраль куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1“А”-уйда ўтказилади.

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда такрорий савдолар 2017 йил 28 февраль, 16 март, 3, 18 апрель кунлари, соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси “Ko`chmas mulk savdo xizmati” МЧЖнинг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: АИТБ “Ипак йўли” Сағбон филиали, х/р: 20208000904920609114; МФО: 01036; СТИР: 207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; жисмоний шахслар учун – паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1“А”-уй.

Маълумотлар учун телефонлар: (0-371) 228-84-48. Факс: (0-371) 228-80-23.

Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.1kms.uz, www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 рақамли Ишонч телефонига зудлик билан хабар беришингиз сўралади!

**Савдоларга марҳамат қилинг!**

**“Respublika Mulk Markazi” МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

**I.** Савдога Чилонзор туман суд ижрочилари бўлими томонидан, Тошкент шаҳар хўжалик судининг 15.07.2016 йилдаги 10-1606/11778-сонли ижро варақасига асосан Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 47-уй манзилида сақланаётган қуйидаги мол-мулклари такроран қўйилмоқда:

1. “Дамас” русумли, 1999 йилда ишлаб чиқарилган, оқ рангли, д/р 01/659 CCA бўлган бошланғич баҳоси – 19 418 000 сўм. 2. “Хюндай Соната” русумли, 2006 йилда ишлаб чиқарилган, оқ рангли, д/р 01/492 RBA бўлган, бошланғич баҳоси – 45 035 700 сўм. 3. “Газ-33102” русумли, 1999 йилда ишлаб чиқарилган, оқ рангли, д/р 01/949 XBA бўлган, бошланғич баҳоси –12 152 875 сўм. 4. 44 турдаги товар моддий бойликлари, бошланғич баҳоси – 10 488 700 сўм.

**Аукцион савдоси 2017 йил 13 февраль соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади.** Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2017 йил 10 февраль соат 18:00.

**II.** Савдога Шайхонтоҳур туман суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Шайхонтоҳур туман судининг 29.07.2016 йилдаги 34117/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани “Автомото-Ҳаваскор” МЧЖ автоуловларни сақлаш омборида сақланаётган “Спарк” русумли, давлат рақами 01T398MA бўлган, 2012 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 25 999 215 сўм.

**III.** Савдога Учтепа туман суд ижрочилари бўлими томонидан, Тошкент шаҳар хўжалик судининг 24.04.2015 йилдаги 10-1520/3167-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани 13-мавзесидаги автотураргоҳда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. “Заз-Форза” русумли, давлат рақами 01/176 EDA бўлган, 2014 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси – 26 880 000 сўм. 2. “Заз-Форза” русумли, давлат рақами 01/178 EDA бўлган, 2014 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси – 26 880 000 сўм. 3. ГБА СПГ “Заз-Форза” русумли, давлат рақами 01/572 TTD бўлган, 2014 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси – 26 880 000 сўм. 4. ГБА СПГ “Заз-Форза” русумли, давлат рақами 01/571 TTD бўлган, 2014 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси – 26 880 000 сўм. 5. ГБА СПГ “Заз-Форза” русумли, давлат рақами 01/567 TTD бўлган, 2014 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси – 26 880 000 сўм. 6. ГБА СПГ “Заз-Форза” русумли, давлат рақами 01/568 TTD бўлган, 2014 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси – 26 880 000 сўм. 7. ГБА СПГ “Заз-Форза” русумли, давлат рақами 01/730 TTD бўлган, 2014 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси – 26 880 000 сўм. 8. ГБА СПГ “Заз-Форза” русумли, давлат рақами 01/731 TTD бўлган, 2014 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси – 26 880 000 сўм.

**Аукцион савдоси 2017 йил 1 март куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади.** Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2017 йил 27 февраль соат 18:00.

Автотранспорт воситалари билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк бўйича алоҳида тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда АИТБ “Ипак йўли банки” Сағбон филиалидаги х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, СТИР: 200933850 га тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома, чет-эл юридик ва жисмоний шахслари қўшимча равишда сўмдаги маблағларнинг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумотлар тақдим этилади.

Ариза қабул қилиш ва савдолар ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. Тел: 228-79-52. www.rmm.uz.

*Гувоҳнома № 001805.*

**ЎЗГИДРОМЕТ**
ХАБАР ҚИЛАДИ
UZHYMET

*Тошкент шаҳрида **26 январь** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 2-4 даража совуқ, кундузи — 7-9 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **26 январда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-5225
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 135
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 12125 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
Босишга топширилди: 13.40
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
1 2 3 4 5